

The background features a complex, abstract design. It includes several overlapping circular patterns, some resembling gears or orbits. A central focus is a bright orange and yellow circular area with a white center, surrounded by blue and grey geometric shapes. The overall aesthetic is technical and scientific, with a mix of light and dark tones.

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 11

NOVEMBER 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 11

NOVEMBER 2022



www.openscience.uz

SCIENCE AND EDUCATION
SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 11

Executive Secretary

Tusmatova Nozima Inomovna

Editorial board

Z.Yaxshieva

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Chemical

Sciences

S.Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S.Otakulov

Jizzakh Polytechnic Institute, Doctor of Physical and Mathematical

Sciences

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh.Akramova

Military-technical Institute of the National Guard, Doctor of Pedagogical Sciences

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in

Communication

B.Sultonov

Tashkent Pharmaceutical Institute, Doctor of Technical Sciences

Ya.L.Chernyavskaya

Tyumen State Medical University, Candidate of Philological

Sciences

A.Sidiqov

Tashkent Institute of Chemical Technology, Doctor of Chemical Sciences

W.B.Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B.Kucharov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of

Technical Sciences

I.Eshmetov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of

Technical Sciences

M.Abdullaev

Andijan State University, Doctor of Historical Sciences

Z.Tojyeva

National University of Uzbekistan, Doctor of Geographical Sciences

N.Jiyanova

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

X.Qobulov

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

A.Nabiev

Tashkent Institute of Chemical Technology, PhD in Technical Sciences

A.Turgunbaeva

Namangan State University, PhD in Psychological Sciences

B.Xaynazarov

National University of Uzbekistan, PhD in Historical Sciences

M.Voxidova

Tashkent State Institute of Oriental Studies, PhD in Economics

A.Rahmonov

Republican Scientific-Practical Center, PhD in Pedagogical Sciences

G.Ochilova

Karshi Institute of Engineering and Economics, Candidate of Philosophical Sciences

B.Omonov

Karshi State University, PhD in Philosophical Sciences

O.Axmedova

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical

Sciences

G.Jumanazarova

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Philological

Sciences

T.Sabirjanov

Fergana Polytechnic Institute, Candidate of Technical Sciences

Sh.Ismoilov

Tashkent State Law University, Doctor of Sciences in Law

M.Rakhimov

Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law

L.Rakhimkulova

Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law

A.Sultonov

Jizzakh Polytechnic Institute, PhD in Economics

B.Safarov

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical

Sciences

J.M.Sasan

PAU Excellencia Global Academy Foundation, Inc., Professional Education

H.Toshov

National University of Uzbekistan, PhD in Chemistry

I.Davletov

Urgench State University, Doctor of Physics and Mathematics

F.Kholmurotov

University of Social Development, PhD in Economics

A.Mahmudova

Samarqand State Medical University, PhD in Philosophy

Q.Panjyev

Tashkent State Pedagogical University, Doctor of Pedagogical Sciences

B.Rahimov

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences

Mas'ul kotib

Tusmatova Nozima Inomovna

Tahririyat

Z.Yaxshieva

Jizzax davlat pedagogika instituti, kimyo fanlari

doktori

S.Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S.Otaqulov

Jizzax politexnika instituti, fizika-matematika fanlari

doktori

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh.Akramova

Milliy gvardiya harbiy-texnik instituti, pedagogika fanlari

doktori

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

B.Sultonov

Toshkent farmatsevtika instituti, texnika fanlari doktori

Ya.L.Chernyavskaya

Томский государственный медицинский университет, кандидат

филологических наук

A.Sidiqov

Toshkent kimyo-texnologiya instituti, kimyo fanlari doktori

W.B.Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B.Kucharov

Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti,

texnika fanlari doktori

I.Eshmetov

Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti,

texnika fanlari doktori

M.Abdullayev

Andijon davlat universiteti, tarix fanlari doktori

Z.Tojyeva

O'zbekiston milliy universiteti, Geografiya fanlari doktori

N.Jiyanova

Toshkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi

X.Qobulov

Toshkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi

A.Nabiyev

Toshkent kimyo texnologiya instituti, texnika fanlari PhD

A.Turgunbaeva

Namangan davlat universiteti, psixologiya fanlari PhD

B.Xaynazarov

O'zbekiston milliy universiteti, tarix fanlari PhD

M.Voxidova

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, iqtisodiyot fanlari PhD

A.Rahmonov

Respublika ilmiy-amaliy markaz, pedagogika fanlari PhD

G.Ochilova

Qarshi muxandislik-iqtisodiyot instituti, falsafa fanlari nomzodi

B.Omonov

Qarshi davlat universiteti, falsafa fanlari PhD

O.Axmedova

Buxoro muxandislik-texnologiya instituti, texnika

fanlari PhD

G.Jumanazarova

Jizzax davlat pedagogika instituti, filologiya fanlari

doktori

T.Sabirjonov

Farg'ona politexnika instituti, texnika fanlari nomzodi

Sh.Ismoilov

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari doktori

M.Rahimov

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori

L.Rahimkulova

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori

A.Sultonov

Jizzax politexnika instituti, iqtisodiyot fanlari PhD

B.Safarov

Buxoro muxandislik-texnologiya instituti, texnika

fanlari PhD

J.M.Sasan

PAU Excellencia Global Academy Foundation, Inc., Professional Education

H.Toshov

O'zbekiston Milliy universiteti, kimyo fanlari PhD

I.Davletov

Urganch davlat universiteti, fizika-matematika fanlari doktori

F.Kholmurotov

Ijtimoiy rivojlanish universiteti, iqtisodiyot fanlari PhD

A.Mahmudova

Samarqand davlat tibbiyot universiteti, Falsafa fanlari PhD

Q.Panjyev

Toshkent davlat pedagogika universiteti, Pedagogika fanlari DSc

B.Rahimov

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Texnika fanlari PhD

39.	Тиркаш Тураевич Тураев, Бахром Миродилович Мадаминов Выбор эффективного метода разделения листовых материалов на мерных размеров	328
40.	Baxtiyor Axrorovich Murtazaev Yo'l muhandislik inshootlarini ekspluatatsiya qilish jarayonida ko'prik inshootlarini boshqarishning integratsiyalashgan tizimlari	337
41.	Abdumumin Abdumajitovich Mardiev, Jamoliddin Abdusalim o'g'li Razzoqov Zoxid Shoyimardonovich Zoirov Yo'l muhandislik inshootlarining tabiiy eskirish jarayonlari, jismoniy eskirishi, charchog'i hamda atrof-muhitga salbiy ta'siri	343
42.	Эмир Эммануилович Ашшурский И всё ж таки в реальности природе не создать себя самой!	348
43.	Baxtiyor Axrorovich Murtazaev Ko'prik konstruksiyasi elementlarida shikastlanishlar va nuqsonlarning paydo bo'lishi	356
44.	Bobur Saparov, Salaxiddin Maxmudjanovich Ablakulov O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida aloqa va boshqaruv tizimini rivojlantirish	362
45.	А.М.Мавлонов, Н.Ҳаётова Барқарор шаҳар муҳитини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	366
46.	Tolib Do'sanov Avtomobil yo'llarini ekspluatatsiya qilish bo'yicha mamlakatimizda olib borilgan ilmiy tadqiqotlarning tahlili	372
47.	Zulfiya G'aniyeva Ko'priklarning tuzilishi va turlari. Mashxur ko'priklar	378
48.	Hasan Rahmatovich Abdulloyev, Jasur Alijon o'g'li Safarov Mo'mina Sultonovna Shodiyeva Surgil konidagi 43-quduqdan olingan kondensatning fizikkimyoviy xossalarini o'rganish	385
49.	Axmadjon Eshboyevich Djurayev Shahar yo'llari va ko'chalarida joylashgan avtobus bekatlarining transport oqimi va harakat xavfsizligiga ta'sirini o'rganish	391
50.	Baxodir Daniyurov Data storage based on blockchain architecture for Internet of Things (IoT)	397
51.	Bekzod Boboqulov Data processing and information security in the structure of ecological information systems	405
52.	Murod Boboqulov Protection of data from malicious threats in the protection system	413
53.	Baxtiyor Boboqulovich Tairov, Ma'murjon Yangiboyevich Xo'jjiyev Standartlashtirishning tatbiq etilishi dolzarb muammo sifatida	422
54.	B.Kh.Shaymatov, Y.S.Mizomov Researching of energy effeciency by modernizing electrical equipment in a mechanical repairing shop	429
55.	Ахат Уктам ўгли Муминов Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги асфальтобетон қоришма таркибини ҳисоблашнинг оптимал усуллари	434
56.	Zulfizar Nurali qizi Akramova, Murodillo Zoyirovich Komilov Oltinugurt tarkibli gazlarni aminli absorbentlar bilan tozalash texnologik tizimi	441
57.	Nurbek Ahmadovich Toshbekov, Dilobar Davronovna Qalandarova Suvlarning sifati, kollektor-zovur va chiqindi suvlardan foydalanish	449

Барқарор шаҳар муҳитини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари

А.М.Мавлонов

Бухоро давлат педагогика институти

Н.Ҳаётова

Бухоро давлат университети

Аннотация: Барқарор шаҳар инсонлар турмуш сифатини яхшилашга қаратилган яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга қаратилган шаҳар тушунчасидир. Муаллиф томонидан ушбу мақолада Экошаҳар (барқарор шаҳар) атамаси ҳафида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Замонавий урбанизация, сохта урбанизация, субурбанизация, экошаҳар, атроф-муҳит, экологик муҳит.

Some aspects of creating a sustainable urban environment

A.M.Mavlonov

Bukhara State Pedagogical Institute

N.Hayotova

Bukhara State University

Abstract: A sustainable city is a concept of a city that supports a green economy and promotes a healthy lifestyle aimed at improving people's quality of life. In this article, the author comments on the term "Ekoshahar" (sustainable city).

Keywords: Modern urbanization, fake urbanization, suburbanization, eco-city, environment, ecological environment.

Бугунги кунда ер юзидаги аҳолининг ярмидан ортиғи шаҳар ва шаҳарчаларда яшамокда. Шаҳарлар дунёдаги барча мамлакат ва минтақаларда мавжуд бўлсада, шаҳар турмуш тарзи турли мамлакатларда турлича ривожланишга эга. Замонавий урбанизацияда агломерациялашув, мегаполисларнинг шаклланиши, “сохта урбанизация” ва субурбанизация каби жараёнлар намоён бўлмокда. Зотан жамият ҳаётидашаҳарлар аҳамиятининг ошиб бориши, инсонлар олдига ресурслар тақчиллиги, иқлимнинг ўзгариши, камбағаллик, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги мавжуд муаммолар ўз ечимини кутмокда.

Барқарор шаҳар - инсонлар турмуш сифатини яхшилашга қаратилган яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга қаратилган шаҳардир. Экошаҳар (барқарор шаҳар) атамасини биринчи бўлиб, 1987 йилда Ричард Регистер ўзининг мултиплик китоби¹да қўллаган. Бундай шаҳарда фуқароларнинг жамиятни ривожланишига қаратилган амалий ишлари натижалар кўрсатади ва шаҳарда барча сектор тармоқлари билан ННТ ўртасида шериклик муносабатлари ҳар томонлама шакллантирилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, шаҳар кўрсаткичлари тизими барқарор ривожланишнинг барча соҳаларини камраб олади. Жумладан, экологик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларнинг ривожланиши таъминланиб борилади. Барқарор шаҳар, анъанавий шаҳар режалаштиришдан фарқ қилиб, жамиятнинг барча йўналишларига эътиборни қаратади яъни нафақат ноқонуний уй-жойлар балки экотизимни муҳофаза қилиш, сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда фуқароларнинг иштироки, шаҳар хавфсизлиги, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, пуллик хизматлар ҳажми, умр кўриш давомийлиги, умумий касалланиш даражаси, жиноятчилик даражаси каби масалалар муҳим ҳисобланади.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, барқарор ривожланиш кўрсаткичларини, шу жумладан шаҳарларни ривожлантиришда жадаллик кузатилди. Кўрсаткичларни шакллантиришга туртки бўлган ҳолат, бу БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш конференцияси² бўлиб, унда “ишончлилик ва ишончлиликни таъминлаш учун барқарор ривожланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарур” деб таъкидланган.

Барқарор шаҳар узоқ муддат давомида яхлит ҳаёт тарзини сақлаш учун доимий асосда ривожланиб борадиган ҳудудлар сифатида белгиланади. У жамиятнинг барча асосий тармоқлари, жумладан, иқтисодий-ижтимоий муассасалар, жамоат бирлашмалари, ҳукумат муассасалари ва диний ташкилотларни камраб оладиган, инсонларнинг мақсадлари ва ташаббуслари учун янгилик бўлишга хизмат қиладиган ҳудуддир.

Барқарор шаҳар муҳитини шакллантириш учун шаҳарлар қуйидаги муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, “сохта урбанизация”нинг ривожланиши билан шаҳарлар ҳудудининг кенгайиши, аҳоли ўртасида тенгсизлик мавжудлиги (ҳозирги кунда 828 млн киши хароба кулбаларда яшаши ва улар сонининг ортиб бориши), шаҳарларда электр энергиядан фойдаланиш оқимининг катталиги, атроф-муҳитни ифлосланиши кабилар. Ер юзининг 1

¹ Ричард Регистер, Экогород Беркли: строительство города для здорового будущего. North Atlantic Books, 1987, ISBN 1-55643-009-4 (англ.)

²<https://ria.ru/20120620/676610251.html>. История переговорного процесса по устойчивому развитию.

фоизи ҳудудида шаҳарлар жойлашган бўлиб, лекин уларнинг электр энергия сарфлаши 60-80 %га, 75% углерод гази чиқаради. Кўпгина шаҳарлар табиат ва иқлимнинг ўзгариши олдида ожиз бўлиб, аҳолининг ўта зич жойлашуви жиҳатидан табиат офатлари даварида катта зарар кўради. Шу сабабли барқарор шаҳар муҳитини яратиш муҳим ҳисобланади. Бу орқали иқтисодий, ижтимоий ва инсоният олдидаги баъзи муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Барқарор шаҳарларни қуришда энг аввало, табиий шароит қонуниятлари инобатга олиниши лозим. Биринчи навбатда, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга, яшил майдонларни барпо қилишга эътибор бериш лозим. Шаҳарлар ҳудудида яшил майдонларни ташкил қилиш ўрмон ва дашт зонаси, денгиз, кўл ва дарё бўйида ёки тоғ ва тоғ олди зонасида жойлашган шаҳарларда қийинчилик туғдирмайди. Чунки, бундай қулай табиий шароит шаҳар ландшафтларини гўзаллигини таъминлайди. Аксинча, чалачўл ва чўл зонасидаги шаҳарларда кўкаламзорлаштириш доимий эътиборни талаб қилади.

Шаҳарлар ҳудудида истироҳат боғлари, парклар, яшил майдонлар ва сув ҳавзаларининг кўплиги шаҳарнинг микроиқлимни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Одатда, барқарор шаҳарларда майдонининг 20 фоиздан ортиғи истироҳат боғлари, парклар, яшил майдонлар ва сув ҳавзаларидан иборат бўлиши лозим. Мазкур ҳолат шаҳарда инсон яшаши учун қулай имконият туғдиради. Қолаверса, шаҳардаги бетон ва асфалт қопламали юзалардан ҳосил бўлган “иссиқлик оқимлари” таъсирини атрофдаги қишлоқ жойларига нисбатан бир неча градусга камайтиришга хизмат қилади.

Барқарор шаҳарларда қайта тикланадиган энергия манбалари - шамол генераторлари, қуёш батареяларидан фойдаланиш даражаси юқори ҳисобланади. Шаҳарлар майдонининг катталиги бундай энергия манбаларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва экологик жиҳатдан қулайлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, барқарор шаҳарларда автотранспорт чиқиндиларини камайтириш мақсадида жамоат транспорти яхшиланиб, пиёдалар майдонлари кўпайтирилган. Жамоат транспортида энг аввало экологик тоза транспорт турлари - метро, электропоезд, трамвай, троллейбус ва эко-автобусларга алоҳида эътибор берилади. Ушбу замонавий транспорт воситалари шаҳарлар ҳавосини мусоффолигини таъминлаш билан бирга ресурс тежамкор саналади. Бу эса бугунги замонавий мегаполислар учун айна муддаодир. Жумладан, мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳрида метро қатнови, Самарқанд шаҳарида трамвай, Хива ва Урганч орасида троллейбус, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларимизда эко-автобуслар аҳолига хизмат кўрсатаяпти.

Барқарор шаҳарларда янги қурилишлар, уй-жойлар, аҳоли яшаш массивларини шундай жойлаштириш лозимки, улар табиий жараёнларга тўсик

бўлмаслиги керак (яъни ҳавонинг ҳаракати ва шамоллар йўналиши инобатга олиниши лозим). Бу борада қадимги шаҳарлармизда ўрганадиган жиҳатлар сақланиб қолинган. Масалан, Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги деярли барча кўчалар шимол - жануб йўналишида, яъни шамолнинг йўналишига мос ҳолда қурилган. Бу эса ота-боболаримизни шаҳарсозликда табиий қонуниятларга асосланганлигидан далолат беради. Табиий омиллар ҳисобга олинган шаҳарларда доим ҳаво тоза ва иқлим мўътадил бўлади.

Барқарор шаҳарлар ҳудуди ҳар томонлама компакт (ихчам) бўлиши керак. Бундай шаҳарлар жуда катта майдонларга кенгайиб кетмаслиги лозим. Чунки, шаҳарлар атрофининг тартибсиз кенгайиб кетиши “сохта урбанизация” учун хос жараён дир. Барқарор шаҳарларда инсонларга имкон қадар қулайлик яратиш, масалан, уларнинг ишга яқинроқ яшаш йўлини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Қулай ва юқори технологик шароит туфайли иш ўринлари сони шаҳарларда, одатда шаҳар марказларида ўсиб боради. Бунинг оқибатида шаҳарларнинг марказида (даунтаунда) аҳолининг механик ҳаракати доим юқори бўлади.

Турли ташкилотлар томонидан дунё шаҳарларининг рейтинглари ишлаб чиқилади. Жумладан, Испаниянинг Наварра университети бизнес-мактаби (IESE Business School <https://basetop.ru/samyemumnye-goroda-mira-2020-cities-in-motion-index/>) томонидан ишлаб чиқилган Cities in Motion 2020 рейтингда дунёнинг 174 та шаҳри ўрин олган. 9 та мезон бўйича баҳоланган ушбу рейтингда биринчи ўнталикни - Лондон, Нью Йорк, Париж, Токио, Рейкьявик, Копенгаген, Берлин, Амстердам, Сингапур, Гонконг эгаллаган.

Ўзбекистонда шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, уларда аҳолининг яшashi учун қулайликларини ошириш мақсадида ажобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 246-сонли қарори билан Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида «Nurafshon business city» концепцияси асосида замонавий шаҳар қурилмоқда. Қолаверса, мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳарда энг замонавий шаҳарлар (ситилар) қад ростламоқда. Шунингдек, кейинги йилларда “яшил макон” дастури асосида шаҳарларимизнинг қиёфаси кескин ўзгарди.

Умуман олганда, турли минтақаларда, хусусан ҳар хил табиий, тарихий ва бошқа шароитларга эга бўлган ҳудудларнинг барқарор ривожланишини шаҳарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунончи, шаҳарлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий марказлари, тарихий пойдевор, кадриятлар ўчоғи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ривожланишига халқаро савдо қарвонлари, жумладан Буюк Ипак йўли ҳам ижобий таъсир қилган. Бундай шароитга эга шаҳарларда қурилишлар, инфратузилма,

кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини олиб боришда табиий мухитни ҳисобга олиш, яъни Ю.Г.Саушкин таъбири билан айтганда табиат билан уйғун ривожланишга эътибор бериш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A.M Mavlonov, I.E Mirzoeva, A.N Nematov, C.Z Jalilova. Grouping and assessment of tourism and recreation resources of Bukhara region. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 7 (6), 66-68.

2. A.M Mavlonov, A.N Nematov. The influence of the zarafshan river on the development of cities. Экономика и социум 11 (11 (78)), 228-231

3. А.М Мавлонов. Бухоро вилояти шаҳарларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг баъзи бир муаммолари Ўзбекистон География жамияти ахбороти 28 (28), 110-112

4. M.A Muhamadovich. Development of middle cities in zarafshan region epra. International Journal of Research & Development (IJRD) 6 (12), 1-1

5. A.M Mavlonov, N.Z Hayotova Agglomeration. Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). European journal of life safety and stability (EJLSS), 9-12

6. M.A Muhamadovich, M.I. Elmurodovna, K.D Davronovna. The Desert Tourism And Opportunities For Its Development (On The Example Of Bukhara Region). The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research 2 (12), 68-73

7. A.M Mavlonov, C.Z Jalilova. Geographical aspects of use of recreation resources for tourism (on the example of Bukhara region). The issue contains: Proceedings of the 8th International Scientific and

8. А.М Мавлонов, А.Н Нематов., Д.Д. Қаландарова. Бухоро вилоятининг чўл худудларидаги аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жиҳатлари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 57 (1), 107-111

9. М.А Мухамадович. Развитие средних городов в Республике Узбекистан. Материалы Географического общества Узбекистана., 79-83

10. М.А Мухамадович. Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси Известия географического общества Узбекистана 55 (1), 73-76

11. А.С Салиев, П.Р Курбанов, А.М Мавлонов. Городское расселение в пустынях. Узбекистана Проблемы освоения пустынь 1 (1), 21-24

12. М.А Мухамадович. Бухоро вилояти шаҳарларининг классификацияси. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 26 (26), 70-72

13. А.С Салиев, А. Мухамедов, А.М Мавлонов. Проблемы совершенствования регионального расселения в Узбекистане. Материалы региональной научно-практической конференции. Туризм и наука.

14. А.М Мавлонов. Бухоро агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўзбекистон География жамяти ахбороти 23 (23), 174
15. D. Saidova. Boshlang'ich sinflarda "Yosh tabiatshunos" to'garagini tashkil etishning ilmiy-amaliy ahamiyati. Pedagog's jurnali 1 (1), 440-442
16. А.М Мавлонов, Ч.З Жалилова. Чўл худудларининг рекреацион-туристик салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятлари (Бухоро вилояти мисолида). Science and Education 3 (6), 107-113
17. А.М Мавлонов, Ч.З Жалилова. Чегарадош худудларда зиёрат туризмини ривожлантириш истикболлари (Ўзбекистон ва Туркменистон чегарадош худудлари мисолида). Science and Education 3 (6), 101-106
18. Мавлонов А.М., Жалилова Ч.З. "Опустынивание и развитие городов" Проблемы опустынивания: динамика, оценка, решение". материалы международной
19. Мавлонов А.М. Аму-Бухоро машина канали зонаси рекреацион худуд сифатида. Географические проблемы и возможности развития туризма и рекреации